

МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҚЛАРИ ТУШУМЛАРИНИНГ ҲУДУДИЙ ШАКЛЛАНИШИ ВА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИГИ: ПАНЕЛЬ МАЪЛУМОТЛАР АСОСИДА ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛ

Султанов Дилшод Шухратович
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси мустақил изланувчиси
https://orcid.org/0009-0005-2284-6845

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда мол-мулк солиғи ва ресурс тўловлари тушумларининг 2017–2025 йиллардаги динамикаси ва таркиби таҳлил қилинган, жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк ва ер солиқлари тушумларининг аҳоли даромадлари билан боғлиқлиги 14 та ҳудуд бўйича 2018, 2022-2025 йилларни қамраб олган панель маълумотлар асосида Pooled OLS ва икки томонлама фиксацияланган эффектлар моделлари орқали баҳоланган. Натижалар ҳудудий ва йиллик омиллар назорат қилинганда даромаднинг мустақил таъсири пасайишини ва солиқ тушумларининг шаклланишида солиқ базасининг қамрови, баҳолаш сифати ва ундирувчанлик ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кўрсатди. Шу асосда бюджет даромадини комплекс баҳолаш ёндашуви ва маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.
Калит сўзлар: мол-мулк солиғи, ер солиғи, ресурс тўловлари, маҳаллий бюджет, молиявий мустақиллик, панель маълумотлар, фиксацияланган эффектлар, солиқ салоҳияти.
Abstract: The article analyses the dynamics and structure of property tax and resource payment revenues in Uzbekistan in 2017–2025 and, using panel data for 14 regions for 2018 and 2022–2025, estimates the relationship between individual property and land tax revenues and household income with pooled OLS and two-way fixed effects models. The results show that the independent effect of income weakens once regional and year factors are controlled for, and that tax base coverage, appraisal quality and collection efficiency are decisive. An approach to the comprehensive assessment of budget revenues and proposals to strengthen the fiscal autonomy of local budgets are developed.
Keywords: property tax, land tax, resource payments, local budget, fiscal autonomy, panel data, fixed effects, tax capacity.
Абстрактный: В статье проанализированы динамика и структура поступлений налога на имущество и ресурсных платежей в Узбекистане за 2017–2025 годы, а также на основе панельных данных по 14 регионам за 2018, 2022–2025 годы с помощью моделей Pooled OLS и двусторонних фиксированных эффектов оценена связь поступлений налога на имущество и земельного налога с физических лиц с доходами населения. Результаты показали снижение самостоятельного влияния дохода при контроле региональных и годовых факторов и решающее значение охвата налоговой базы, качества оценки и собираемости. Разработаны подход к комплексной оценке доходов бюджета и предложения по повышению финансовой самостоятельности местных бюджетов.
Ключевые слова: налог на имущество, земельный налог, ресурсные платежи, местный бюджет, финансовая самостоятельность, панельные данные, фиксированные эффекты, налоговый потенциал.

Кириш (Введение/Introduction).

Бюджетни номарказлаштириш шароитида маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллиги, энг аввало, уларнинг ўз даромад манбалари қанчалик барқарор ва ҳудуд иқтисодиёти билан қанчалик боғлиқ эканига таянади. Мол-мулк солиғи ва ер солиғи айнан шундай манбалар сирасига киради: уларнинг базаси ҳудудга «бириктирилган», иқтисодий цикларга нисбатан кам таъсирчан бўлиб, маҳаллий ҳокимият органларининг ҳудудни ривожлантиришдан молиявий манфаатдорлигини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги ПФ-21-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида фискал барқарорликни таъминлаш мақсади доирасида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш орқали солиқ тушумларининг (бюджет ва ижтимоий солиқ) ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2025 йилдаги 16,4 фоиздан 2030 йилда 17,3 фоизга етказиш вазифаси белгиланган[1]. Ушбу вазифани бажаришда мол-мулк ва ер солиқлари салоҳиятидан тўлиқроқ фойдаланиш муҳим захира ҳисобланади.

Сўнгги йилларда ушбу солиқлар бўйича тушумлар сезиларли ўсди. Бироқ тушумлар ўсишининг омиллари – аҳоли фаровонлигининг ошиши ёки солиқ базаси ва маъмуриятчиликдаги ўзгаришлар эканлиги етарлича ўрганилмаган. Мазкур саволга жавоб маҳаллий бюджетлар даромадларини ошириш сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш учун муҳим аҳамиятга эга. Мол-мулк ва ер солиқлари тушумларининг ҳудудий шаклланишига таъсир этувчи омилларни эмпирик баҳолаш ва шу асосда маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини ошириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Фискал федерализм назариясида базаси кўчмайдиган солиқларни қуйи бошқарув даражасига бириктириш зарурлиги асосланган. Р.Масгрейв солиқ манбаларини бошқарув даражалари ўртасида тақсимлашда солиқ юки хизматлардан наф кўрувчи ҳудуд аҳолисининг ўзида қолишини таъминлаш лозимлигини

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги ПФ-21-сон «Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 1-илова – «Ўзбекистон – 2030» стратегияси, 46-мақсад, 173-кўрсаткич // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – www.lex.uz

таъкидлаган [2], У.Оутс эса жамоат хизматларини улардан наф кўрадиган ҳудудга энг яқин даражада молиялаштириш самарали эканини кўрсатган [3]. Ч.Тибу моделига кўра, аҳоли солиқ юки ва хизматлар сифатига қараб яшаш жойини танлайди, бу эса мустақил даромадга эга маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида рақобатни юзага келтиради[4].

Ж.Чапман маҳаллий молиявий мустақиллик фақат тушумларни бириктириш билан бирга маҳаллий органларнинг солиқ параметрларига таъсир кўрсатиш ваколати ва бюджет интизоми учун масъулияти билан таъминланишини кўрсатган[5]. ИҲТТ томонидан ишлаб чиқилган солиқ автономияси таснифи ҳам маҳаллий бюджетларга келиб тушадиган солиқларни маҳаллий органлар уларнинг ставкаси ва базасига қанчалик таъсир кўрсата олишига қараб гуруҳлайди[6].

Маҳаллий иқтисодий адабиётда маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини баҳолашга оид ёндашувлар А.Исламкулов томонидан тадқиқ этилган[7].

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда мол-мулк ва ер солиқлари маҳаллий органлар қонунда белгиланган чегарада коэффициентлар қўллай оладиган тоифага киради ва маҳаллий бюджетларнинг таъсир кўрсатиш мумкин бўлган асосий даромад манбаи ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда динамик ва таркибий таҳлил, ўртача йиллик ўсиш суръатларини ҳисоблаш ҳамда панель регрессия усулларидан фойдаланилди. Эконометрик таҳлил учун Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳри бўйича 2018, 2022, 2023, 2024 ва 2025 йиллар маълумотлари бирлаштирилиб, 70 та кузатувли мувозанатлашган панель шакллантирилди. Солиқ тушумлари Солиқ қўмитасининг ҳудудлар кесимидаги маълумотларидан, аҳоли жон бошига тасарруфдаги умумий даромад Миллий статистика қўмитасининг SIAT маълумотлар базасидан олинди [8]. Асосий модель ҳудуд ва йил бўйича икки томонлама фиксацияланган эффектлар билан қуйидаги кўринишда баҳоланди:

$$ln(Tax_it) = \beta_0 + \beta_1 ln(IncomePC_it) + \mu_i + \lambda_t + \varepsilon_it,$$

бу ерда:

Tax_it – i-ҳудудда t-йилда мол-мулк солиғи, ер солиғи ёки уларнинг йиғиндиси;

IncomePC_it – аҳоли жон бошига тасарруфдаги умумий даромад;

μ_i – ҳудудий, λ_t – йиллик фиксацияланган эффектлар;

ε_it – тасодифий хатолик.

Стандарт хатолар 14 та ҳудуд бўйича кластерланди[9]. Таққослаш учун ҳудуд ва йил эффектларисиз Pooled OLS модели ҳам баҳоланди.

Таҳлил ва натижалар

2017-2025 йилларда мол-мулк солиғи ва ресурс солиқлари бўйича тушумлар 6,9 трлн сўмдан 45,2 трлн сўмгача, яъни 6,6 бараварга ошди, барча солиқ тушумлари эса шу даврда 5,0 бараварга кўпайди [10]. Тушумлар таркиби ва ўсиш суръатлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Мол-мулк солиғи ва ресурс тўловлари тушумлари таркиби ва ўсиш суръатлари[11]

Солиқ тури	Улуши, % (2017 й.)	Улуши, % (2020 й.)	Улуши, % (2025 й.)	Ўртача йиллик ўсиш, 2017–2025 йй., %
Мол-мулк солиғи	30,6	9,4	17,7	18,2
Ер солиғи	16,0	11,3	22,1	31,8
Сув ресурслари солиғи	2,5	2,3	3,1	30,2
Ер қаъри солиғи	50,9	77,0	57,1	28,4
Жами (барча солиқлар – 22,2 %)	100,0	100,0	100,0	26,5

1-жадвал маълумотларига кўра, гуруҳ тушумлари ўртача йилига 26,5 фоизга ўсиб, барча солиқ тушумлари ўсиш суръатидан (22,2 фоиз) юқори бўлган. 2020–2025 йилларда ер қаъри солиғи улуши 77,0 фоиздан 57,1 фоизгача пасайиб, мол-мулк ва ер солиқларининг биргаликдаги улуши 20,7 фоиздан 39,8 фоизгача ошган. Демак, тушумлар ҳудудга бириктирилган, ташқи конъюнктурага кам боғлиқ манбалар ҳисобига диверсификацияланмоқда.

Тушумлар динамикаси солиқ сиёсатидаги ислоҳотлар билан чамбарчас боғлиқ. 2019 йилда юридик шахслар мол-мулк солиғи ставкаси 5 фоиздан 2 фоизгача пасайтирилиб, барча тадбиркорлик субъектлари солиққа жалб этилди ва тўловчилар сони 6 бараварга ошди. 2022 йилда ставка 1,5 фоизгача пасайтирилганига қарамасдан, бинолар бўйича 1 кв. м учун минимал қиймат механизмининг жорий этилиши ҳисобига юридик шахслар мол-мулк солиғи тушумлари 2 бараварга ошди. Жисмоний шахслар бўйича 2018 йилдан инвентаризация қийматидан кадастр қийматига ўтилиб, солиқ мақсадидаги кўчмас мулк қиймати 46,5 трлн сўмдан 293,5 трлн сўмгача ошди, солиқ юкининг кескин ўсишининг олдини олиш учун эса базавий ставка 1,7 фоиздан 0,2 фоизгача пасайтирилди ва солиқ суммаси ўсишини 1,2–1,3 баравар билан чекловчи механизм қўлланилди.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушумлари эса жаҳон хомашё нархларига кучли боғлиқ: 2021 ва 2022 йилларда улар мос равишда 3,7 ва 12,0 фоизга камайган, ер солиғи тушумлари эса таҳлил қилинган даврнинг бирорта йилида ҳам камаймаган. Бу ҳолат маҳаллий бюджетлар учун мол-мулк ва ер солиқлари ресурс тўловларига нисбатан анча барқарор даромад манбаи эканини тасдиқлайди.

Жисмоний шахслардан мол-мулк ва ер солиқлари тушумлари 2018 йилдаги 1 371,4 млрд сўмдан 2025 йилда 7 118,9 млрд сўмга етди, яъни 5,19 баробар ўсди. Шу даврда мол-мулк солиғи 3,96 баробар, ер солиғи эса 6,50 баробар ошди. 2025 йилда жисмоний шахслар мол-мулк солиғи тушумларининг 23,1 фоизи Тошкент шаҳрига тўғри келган, ер солиғи бўйича эса Самарқанд вилояти 576,0 млрд сўм билан етакчилик қилган. Ҳудудий тафовут кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

[2] Musgrave R.A., Musgrave P.B. Public Finance in Theory and Practice. 5th ed. – New York: McGraw-Hill, 1989.

[3] Oates W.E. Fiscal Federalism. – New York: Harcourt Brace Jovanovich, 1972.

[4] Tiebout C.M. A Pure Theory of Local Expenditures // Journal of Political Economy. – 1956. – Vol. 64, No. 5. – P. 416–424.

[5] Chapman J.I. The Importance of Local Government Fiscal Autonomy // The Continuing Redistribution of Fiscal Stress: The Long Run Consequences of Proposition 13. – Cambridge, MA: Lincoln Institute of Land Policy, 1998.

[6] Blöchliger H., Nettley M. Sub-central Tax Autonomy: 2011 Update. OECD Working Papers on Fiscal Federalism, No. 20. – Paris: OECD Publishing, 2015.

[7] Исламкулов А.Х. Маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини баҳолашга оид ёндашувлар // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2017. – № 1. – Б. 101–109.

[8] Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг расмий маълумотлар базаси (SIAT). – www.siat.stat.uz

[9] Wooldridge J.M. Econometric Analysis of Cross Section and Panel Data. 2nd ed. – Cambridge, MA: MIT Press, 2010.

[10] Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

[11] Муаллиф ҳисоб-китоблари.

2-жадвал

Мол-мулк ва ер солиқлари тушумлари ҳамда даромадларнинг ҳудудий тафовути (2018, 2022–2025 йй., N=70)[12]

Кўрсаткич	Ўртача	Ст. оғиш	Вариация коэффициенти	Макс./мин. нисбати
Мол-мулк солиғи, млрд сўм	119,41	105,57	0,88	41,4
Ер солиғи, млрд сўм	186,89	126,93	0,68	39,5
Жами икки солиқ, млрд сўм	306,29	212,16	0,69	31,9
Жон бошига даромад, минг сўм	19 947,32	9 727,75	0,49	8,9

Мол-мулк солиғи тушумларининг вариация коэффициенти (0,88) аҳоли даромадлари вариация коэффициентидан (0,49) қарийб 1,8 баравар юқори. Бу ҳолат солиқ тушумларининг ҳудудий тақсимоти аҳоли фаровонлиги тақсимотидан анча нотекис эканини ва унга даромаддан ташқари омиллар кучли таъсир кўрсатишини англатади. Эконометрик баҳолаш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Мол-мулк ва ер солиқлари тушумларининг аҳоли даромадларига боғлиқлигини баҳолаш натижалари[13]

Модель ва боғлиқ ўзгарувчи	ln(IncomePC) коэффициенти	Кластер SE	p-қиймат	R^2	N
Pooled OLS: ln(жами)	1,001	0,157	<0,001	0,348	70
Two-way FE: ln(мол-мулк солиғи)	1,080	0,580	0,063	0,981	70
Two-way FE: ln(ер солиғи)	–0,354	0,344	0,304	0,988	70
Two-way FE: ln(жами)	0,458	0,472	0,332	0,988	70

Pooled OLS моделида даромад эластиклиги 1,001 бўлиб, юқори статистик аҳамиятга эга: даромади 1 фоиз юқори бўлган ҳудудларда жами тушум ҳам тахминан 1 фоиз юқори. Бироқ ҳудуд ва йил эффектлари киритилганда коэффициент 0,458 гача пасаяди ва статистик аҳамиятини йўқотади. Мол-мулк солиғи бўйича эластиклик 1,080 бўлиб, 10 фоизлик аҳамият даражасига яқин, ер солиғида эса коэффициент манфий ва аҳамиятсиз. R^2 кўрсаткичларининг 0,98 атрофида бўлиши асосан ҳудуд ва йил эффектларининг катта тушунтириш қобилияти билан боғлиқ.

Демак, содда модельда кузатилган кучли боғлиқликнинг катта қисми ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари – кўчмас мулк бозорининг ривожланганлиги, аҳоли зичлиги, кадастр ҳисобининг тўлиқлиги ва солиқ маъмуриятчилиги сифати ҳамда умумреспублика миқёсидаги ислоҳотлар билан тушунтирилади. Ер солиғидаги натижа эса амалдаги тизимда унинг базаси иқтисодий қийматдан кўра майдон ва норматив параметрларга кучлироқ таянишини кўрсатувчи эмпирик сигнал ҳисобланади.

Муаллиф фикрича, олинган натижалар бюджет даромадини солиқ базаси, ставка ва маъмуриятчилик омилларининг кўпайтмаси сифатида комплекс баҳолаш заруратини асослайди:

$$БД = СБ \times СС \times Қ \times БС \times УК,$$

бу ерда:

БД – бюджет даромади;

СБ – солиқ базаси;

СС – солиқ ставкаси;

Қ – солиққа тортиш қамрови;

БС – баҳолаш сифати;

УК – ундирувчанлик коэффициенти.

Масалан, объектларнинг 90 фоизи ҳисобга олинган, баҳолаш бозор қийматининг 60 фоизини акс эттирган ва ундирувчанлик 85 фоизни ташкил этган шароитда потенциал тушумнинг атиги 46 фоизи (0,9 × 0,6 × 0,85) бюджетга келиб тушади. Мазкур ёндашув маҳаллий ҳокимият органларига тушумларни ошириш учун айнан қайси омилни яхшилаш кераклигини аниқлаш имконини беради.

Мазкур натижалар маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллиги учун ҳам муҳим хулосаларни келтириб чиқаради. Мол-мулк ва ер солиқлари тушумларини маҳаллий бюджетларга тўлиқ бириктириш йирик шаҳарлар ва ривожланган вилоятлар мустақиллигини сезиларли оширади, бироқ солиқ салоҳияти паст ҳудудлар учун трансфертлар ўрнини боса олмайди. Шу сабабли бюджетлараро трансфертларни ҳақиқий тушумлар эмас, балки стандартлаштирилган солиқ салоҳияти асосида белгилаш лозим, акс ҳолда ўз базасини кенгайтирган ҳудудлар трансфертлар қисқариши орқали «жазоланади» ва маҳаллий органларнинг солиқ салоҳиятини ишга солишдан манфаатдорлиги сусаяди.

Ресурс тўловлари бўйича ҳудудий тафовут янада кескинроқ, чунки ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушумлари фойдали қазилмалар конлари жойлашган бир нечта ҳудудда тўпланган. Ушбу солиқ тушумлари ҳар йили Давлат бюджети тўғрисидаги қонун билан белгиланадиган нормативлар асосида тақсимланади ва маҳаллий органлар унинг параметрларига таъсир кўрсата олмайди. Тақсимот нормативларининг ҳар йили ўзгариши маҳаллий ҳокимият органларининг ўрта муддатли режалаштириш имкониятини чеклайди. Шу сабабли нормативларни камида уч йиллик муддатга барқарорлаштириш, жаҳон нархлари юқори бўлган йилларда прогноздан ортиқ тушган маблағларни эса барқарорлаштириш захирасига йўналтириш мақсадга мувофиқ.

Маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини баҳолашда ўз даромадлари коэффициенти билан бир қаторда солиқ автономияси коэффициенти (маҳаллий органлар ставка ёки базага таъсир кўрсата оладиган солиқларнинг жами солиқ тушумларидаги улуши) ва солиқ салоҳиятидан фойдаланиш даражаси (ҳақиқий тушумнинг ҳисобланган салоҳиятга нисбати) кўрсаткичларини биргаликда таҳлил қилиш зарур. Мазкур ҳолат маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини баҳолашга оид мавжуд ёндашувларни[14] маҳаллий органлар таъсир кўрсата оладиган даромадлар улуши билан тўлдиради. Чунки ўз даромадларининг юқори улуши, агар улар асосан тақсимланадиган солиқлардан иборат бўлса, ҳақиқий мустақилликни англатмайди. Ўзбекистонда «Очиқ бюджет» тизими орқали маҳаллий бюджетнинг қўшимча маблағларини аҳоли танлаган лойиҳаларга йўналтириш амалиёти мол-мулк солиғи ва маҳаллий хизматлар ўртасидаги боғлиқликни аҳоли учун кўринарли қилиб, солиқ интизомини оширишга хизмат қилади.

Эконометрик натижалар диссертацияда таклиф этилган кўчмас мулкни оммавий баҳолашга ўтиш заруратини ҳам тасдиқлайди. Агар солиқ базаси объектларнинг иқтисодий қийматини тўлиқ акс эттирганида, мол-мулк солиғи тушумлари ҳудудлар ўртасидаги фаровонлик ва кўчмас мулк бозори фарқларини аниқроқ ифодалар, ер солиғи эса майдон кўрсаткичига эмас, ер участкасининг жойлашуви ва рухсат этилган фойдаланиш турига боғлиқ бўлар эди. Шу сабабли объектларни ягона идентификатор асосида тўлиқ ҳисобга олиш ва уларни бозорга яқин қийматда баҳолаш маҳаллий бюджетлар ўз даромадларини реал иқтисодий база билан боғлашнинг асосий шарти ҳисобланади.

Таҳлилнинг чекловлари ҳам мавжуд: панелда фақат бешта йил мавжуд, ягона тушунтирувчи ўзгарувчи қўлланилган, кластерлар сони 14 та. Кейинги тадқиқотларда 2019–2021 йиллар маълумотлари,

[12] Муаллиф ҳисоб-китоблари.

[13] Муаллиф ҳисоб-китоблари.

[14] Исламкулов А.Х. Маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини баҳолашга оид ёндашувлар // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2017. – № 1. – Б. 101–109.

кўчмас мулк объектлари сони ва қиймати, солиқ қарздорлиги каби ўзгарувчиларни киритиш орқали динамик панель моделларини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Хулоса

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

биринчидан, 2017–2025 йилларда мол-мулк солиғи ва ресурс тўловлари тушумлари барча солиқ тушумларидан тезроқ ўсган ва ҳудудга бириктирилган манбалар ҳисобига диверсификацияланган;

иккинчидан, ҳудуд ва йил эффектлари назорат қилинганда аҳоли даромадининг мол-мулк ва ер солиқлари тушумларига мустақил таъсири сезиларли пасаяди, яъни тушумлар асосан солиқ базасининг қамрови, баҳолаш сифати ва маъмуриятчилик омиллари билан белгиланади;

учинчидан, бюджет даромадини БД = СБ × СС × Қ × БС × УК ёндашуви асосида комплекс баҳолаш ва ҳар бир ҳудуд бўйича ушбу омилларни мониторинг қилиш амалиётини жорий этиш таклиф этилади;

тўртинчидан, маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини ошириш учун прогноздан ортиқ тушган мол-мулк ва ер солиқлари маблағларини маҳаллий бюджет ихтиёрида қолдириш ва трансфертларни стандартлаштирилган солиқ салоҳияти асосида белгилаш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар (Литературы/ References):

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги ПФ-21-сон «Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 1-илова – «Ўзбекистон – 2030» стратегияси, 46-мақсад, 173-кўрсаткич // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. – Тошкент, 2013.
3. Blöchliger H., Nettley M. Sub-central Tax Autonomy: 2011 Update. OECD Working Papers on Fiscal Federalism, No. 20. – Paris: OECD Publishing, 2015.
4. Chapman J.I. The Importance of Local Government Fiscal Autonomy // The Continuing Redistribution of Fiscal Stress: The Long Run Consequences of Proposition 13. – Cambridge, MA: Lincoln Institute of Land Policy, 1998.
5. Musgrave R.A., Musgrave P.B. Public Finance in Theory and Practice. 5th ed. – New York: McGraw-Hill, 1989.
6. Oates W.E. Fiscal Federalism. – New York: Harcourt Brace Jovanovich, 1972.
7. Tiebout C.M. A Pure Theory of Local Expenditures // Journal of Political Economy. – 1956. – Vol. 64, No. 5. – P. 416–424.
8. Wooldridge J.M. Econometric Analysis of Cross Section and Panel Data. 2nd ed. – Cambridge, MA: MIT Press, 2010.
9. Исламкулов А.Х. Маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини баҳолашга оид ёндашувлар // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2017. – № 1. – Б. 101–109.
10. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг расмий маълумотлар базаси (SIAT). – www.siat.stat.uz
11. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасининг мол-мулк, ер ва ресурс солиқлари тушумлари бўйича маълумотлари.